

Мавлонов Аҳмаджон Муҳамадович

(Бухоро давлат Педагогика институти, г.ф.н., доцент)

Жалилова Чарос Зарифовна, Усмонов Аҳрор Уйғун ўғли

(Бухоро давлат Педагогика институти,

Табиий фанлар кафедраси ўқитувчилари)

ЧЎЛ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

(Газли – Цветуший – Жонгелди – Чурук – Газли ҳалқаси мисолида)

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан берк ҳавзада жойлашган минтақаларда мамлакаттараққиёти бевосита чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Чунки, чўл зонаси республика келажакнинг “иқтисодий кенгайиш” майдони ҳисобланади. Чўл ландшафтларининг моддий ва номоддий ресурслари ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўзлар: Чўл ландшафти, моддий ва номоддий ресурс, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, рекреация, рекреацион ресурс, ўсимлик қоплами.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПУСТЫННОГО ТУРИЗМА (на примере кольца Гасли-Цветуший-Джонгельды-Чурук- Газлы).

Аннотация: В данной статье автор констатирует, что развитие страны в регионах, расположенных в замкнутом бассейне, напрямую связано с освоением пустынь. Потому что пустынная зона – это район «экономической экспансии» будущей республики. Обсуждаются материальные и нематериальные ресурсы пустынных ландшафтов.

Ключевые слова: пустынный ландшафт, материальный и нематериальный ресурс, экономическое и социальное развитие, рекреация, рекреационный ресурс, растительный покров.

SOME ASPECTS OF THE ORGANIZATION OF DESERT TOURISM (on the example of the Gasli-Tsvetushii-Dzhongeldy-Churuk- Gazly ring).

Annotation: In this article, the author states that the development of the country in the regions located in a closed basin is directly related to the development of deserts. Because the desert zone is the area of "economic expansion" of the future republic. The material and non-material resources of desert landscapes are discussed.

Key words: desert landscape, material and non-material resource, economic and social development, recreation, recreational resource, vegetation cover.

Агар океан бўйидаги мамлакатларининг келажак тараққиёти бевосита океанлар билан вобаста бўлса, берк ҳавзада жойлашган минтақаларда чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, куруқликнинг ички қисмида ўрнашган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун чўлларни тадқиқ этиш ўта муҳим. Чунки, чўл зонаси республика

келажанинги “иқтисодий кенгайиш” майдони ҳисобланади. Шу билан бирга чўллар катта табиий ресурс захираларига эга. Маълумотларга кўра ҳозирги кунда чўл-яйлов зонаси ландшафтларининг моддий ва номоддий ресурсларидан 37 тармоқ соҳаларида фойдаланилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг 70 % ҳудудини эгаллаган чўл минтақаси жуда катта табиий ресурс ва имкониятларга эга. Чўлларнинг мавжуд имконият ва бойликларидан фойдаланиш ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши ва аҳолининг турмуш тарзини юксалишида муҳим ўрин тутди. Бухоро вилояти мамлакатимизнинг чўлли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Вилоят ҳудудининг қарийб 90 фоизини Қизилқум чўли эгаллаган.

Маълумки, чўл шароитида аҳоли жойлашувининг 2 хил кўриниши ҳосил бўларди: аҳоли ниҳоятда зич (ғуж), чўл-яйлов минтақасида эса сийрак ҳолда яшайди. Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларидаги аҳоли манзиллари асосан Газли – Цветуший – Жонгелди – Чуруқ – Газли ҳалқасига тўғри келади (Қоровулбозор воҳасини истисно қилганда).


Газли – Цветуший – Жонгелди – Чуруқ – Газли ҳалқаси Бухоро шаҳридан 72 км масофада, шимоли-ғарб йўналишида жойлашган бўлиб, типик чўл иқлимига эга. Мазкур ҳудудда чўл зонаси учун ҳосил бўлган – ҳаво ҳароратининг юқорилиги, ёғинларнинг ўта камлиги, юқори даражадаги буғланувчанлик, доимий шамоллар ва сийрак ўсимлик қоплами кабилар ҳосил бўлади. Юқоридаги хусусиятлар чўл зонасида аҳоли ва хўжаликни ҳудудий ташкил этишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шунга қарамай, узунлиги 200 кмдан ортиқ “ҳалқа” ичида ва атрофида Бухоро вилоятининг чўл зонасидаги энг кўп аҳоли манзилгоҳлари ва хўжалик тармоқлари шаклланиган. Бунинг бир қанча асослари бор:

- Ушбу ҳудуд Қадимий карвон йўллари, яъни Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган. Ҳозирда Бухоро – Хоразм йўли ёқасида вужудга келган;

- XX асрнинг 50-йилларидан кейин районда жуда катта захирага эга бўлган Газли табиий газ кони топилди ва ҳудуд республика газ саноатининг йирик марказига айланди;
- Ҳудуд Ўзбекистон қоракўлчилигининг асосий марказларидан бири саналади. Унда Жонгелди қоракўлчилик ширкат хўжалиги жойлашган.

Газли – Цветуший – Жонгелди – Чурук – Газли ҳалқаси



Шу боис, “ҳалқа” бўйлаб Газли шаҳри, Жонгелди, Чурук, Цветуший, Учқудуқ каби қишлоқлар (овуллар) вужудга келган. Саноат объектларидан – Газли газ-нефть, Муллахол нефть, Тозбулоқ мрамар ва гранит, Жонгелди ва Тошқудуқ минерал ранглар конлари мавжуд. Чорвачиликда асосан қоракўлчилик ва туячилик ривожланган бўлиб, унинг асосий маркази Жонгелди наслчилик ширкат хўжалигидир.

“Ҳалқа”нинг жанубий қисмидан 74 км масофада Ўзбекистон миллий автомагистрали ўтган бўлиб, у районнинг ҳозирги ҳолатини вужудга келишига асос бўлган. Бухоро – Мискин темир йўли эса ҳудуд марказининг шарқидан ғарбга томон кесиб ўтиб, “ҳалқа” аҳолиси ва хўжалигининг келажак истиқболини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Газли – Цветуший – Жонгелди – Чурук – Газли ҳалқаси атрофида ижтимоий (номоддий) соҳа объектлари суст ривожланган. Аммо мазкур

худудда туризм, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш сингари тармоқларни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд.

Жумладан, мазкур “ҳалқа” атрофида туяда сайр қилиш, қумда тобланиш, шамол ҳосил қилган рельеф шакллари (барханлар, кўчма қумлар, қум грядалари ва ҳ.к.) томоша қилиш, Қорақир кўлига саёҳат уюштириш (балиқ ови, кўлда сайр қилиш), минераллашган қудуқ ва булоқларни ўрганиш сингари чўл туризми турларини ташкил қилиш имконияти мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам чўл ресурсларидан нафақат саноат ёки қишлоқ хўжалигида, балки туризм, рекреация ва саломатликни тиклаш каби номоддий соҳаларда ҳам янада кенгроқ фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Ҳаммага аёнки, тоғ зонаси ўзининг тоза ҳавоси, шифобахш суви ва доривор ўсимликлари билан машҳур. Шу ўринда чўлларнинг ҳам иқлим шароитининг аҳоли саломатлигини тиклашда муҳим рол ўйнашини унутмаслик лозим. Чўлларда ҳам худди Туркманистоннинг Байрам-Али шаҳридаги сингари дунё аҳамиятига эга курортларни қуриш мумкин. Узоқ давом этадиган (қарийб олти ой) қуруқ ва жазирама иқлим ҳамда ҳаво намлигининг 15-20 фоиздан ошмаслиги буйрак касалликларини даволашда яхши натижа беради. Шунингдек, чўл зонасидаги иссиқ қум, шифобахш лой, тузли балчик, суви минераллашган қудуқ ва шўр кўллар атрофида ҳам саломатликни тиклаш муассасаларини ташкил қилиш имконияти бор. Мазкур масканларда кўпроқ суяк касалликларини, шунингдек, радикулит, бруцеллез ва асаб тизими билан боғлиқ баъзи касалликларни ҳам даволаса бўлади. Бухоро вилоятида бундай типдаги санаторийлар аллақачон шаклланган Бухоро шаҳри (Ситораи Мохи Хосса) ва унинг яқинида (Ф.Аълоев ж/х да) минерал сув, Олот туманида шўр сув ва иссиқ қум ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. Келажакда шу хилдаги даволаш муассасаларини Газли – Цветуший – Жонгелди – Чуруқ – Газли ҳалқаси атрофида кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Шунингдек, чўл зонасидаги Чуруқ ва Жонгелди овулларидаги маҳаллий аҳолисининг турмуш тарзини ўрганиш бўйича саёҳатлар ташкил

килиш мумкин. Бунда гастрономик туризмни (миллий таомлар ва маҳаллий ошхоналар билан танишишни) йўлга қўйиш яхши натижа беради. Хусусан, козоқ миллий таоми “Бешбармоқ” тайёрлаш бўйича мастер-класслар уюштириш, қўй ва эчки гўштидан, туя сүтидан турли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Газли шаҳри ва ЎзФА Ботаника илмий-тадқиқот институти Қизилқум чўл станциясига маърифий саёҳатлар уюштириш (чўл флорасини муҳофаза қилиш чоралари) туристлар учун қизиқарли ҳисобланади. Қолаверса, Қизилқум чўл станцияси ҳудудида Аквариус маъданли сувини чиқиши, Цветуший – Жонгелди автомобиль йўли яқинида минералашган, иссиқ булоқларнинг мавжудлиги мазкур халқа атрофида чўл туризмни самарарали ташкил қилишга асос бўлади.

Бундан ташқари, халқаро автомобиль йўли (Газли – Цветуший оралиғида) ва Бухоро – Мискин темир йўли разъезди ёқасида хилма-хил хизмат кўрсатиш муассасалари, умумий овқатланиш ва савдо объектларни жойлаштириш мумкин.

Умуман олганда, Газли – Цветуший – Жонгелди – Чуруқ – Газли халқасининг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида ҳудудларнинг ривожланиши минтақа ва вилоятлар ривожланишига олиб келади. Қолаверса, чўл минтақасида яшовчи аҳоли табиий шароитга мослашган бўлиб, имкониятлардан фойдаланишда бой тажрибага эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. A.M Mavlonov, I.E Mirzoeva, A.N Nematov, C.Z Jalilova. Grouping and assessment of tourism and recreation resources of Bukhara region. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 7 (6), 66-68.
2. A.M Mavlonov, A.N Nematov. The influence of the zarafshan river on the development of cities. Экономика и социум 11 (11 (78)), 228-231
3. А.М Мавлонов. Бухоро вилояти шаҳарларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг баъзи бир муаммолари Ўзбекистон География жамияти ахбороти 28 (28), 110-112

4. M.A Muhamadovich. Development of middle cities in zarafshan region epra. International Journal of Research & Development (IJRD) 6 (12), 1-1
5. A.M Mavlonov, N.Z Hayotova Agglomeration. Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). European journal of life safety and stability (EJLSS), 9-12
6. M.A Muhamadovich, M.I. Elmurodovna, K.D Davronovna. The Desert Tourism And Opportunities For Its Development (On The Example Of Bukhara Region). The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research 2 (12), 68-73
7. A.M Mavlonov, C.Z Jalilova. Geographical aspects of use of recreation resources for tourism (on the example of Bukhara region). The issue contains: Proceedings of the 8th International Scientific and
8. А.М Мавлонов, А.Н Нематов., Д.Д. Қаландарова. Бухоро вилоятининг чўл худудларидаги аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жихатлари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 57 (1), 107-111
9. М.А Мухамадович. Развитие средних городов в Республике Узбекистан. Материалы Географического общества Узбекистана., 79-83
10. М.А Мухамадович. Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси Известия географического общества Узбекистана 55 (1), 73-76
11. А.С Салиев, П.Р Курбанов, А.М Мавлонов. Городское расселение в пустынях. Узбекистана Проблемы освоения пустынь 1 (1), 21-24
12. М.А Мухамадович. Бухоро вилояти шаҳарларининг классификацияси. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 26 (26), 70-72
13. А.С Салиев, А. Мухамедов, А.М Мавлонов. Проблемы совершенствования регионального расселения в Узбекистане. Материалы региональной научно-практической конференции. Туризм и наука.
14. А.М Мавлонов. Бухоро агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 23 (23), 174
15. D. Saidova. Boshlang'ich sinflarda "Yosh tabiatshunos" to'garagini tashkil etishning ilmiy-amaliy ahamiyati. Pedagog's journali 1 (1), 440-442
16. А.М Мавлонов, Ч.З Жалилова. Чўл худудларининг рекреацион-туристик салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятлари (Бухоро вилояти мисолида). Science and Education 3 (6), 107-113
17. А.М Мавлонов, Ч.З Жалилова. Чегарадош худудларда зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболлари (Ўзбекистон ва Туркменистон чегарадош худудлари мисолида). Science and Education 3 (6), 101-106
18. Мавлонов А.М., Жалилова Ч.З. Опустынивание и развитие городов" Проблемы опустынивания: динамика, оценка, решение". материалы международной

19. Мавлонов А.М. Аму-Бухоро машина канали зонаси рекреацион худуд сифатида. Географические проблемы и возможности развития туризма и рекреации.